



## АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 155-158 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ



Казаков Олим Сабирович, профессор

Наманган мухандислик технология институти

[olimkzkv@gmail.com](mailto:olimkzkv@gmail.com)

**Аннотация.** Ресурслар тақчиллиги шароитида улардан самарали фойдаланиш кун тартибидаги асосий масалалардан ҳисобланади. Мақолада ресурслардан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган. Бошқарув фаолиятида ресурслардан самарали фойдаланиш стратегиялари таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** бошқарув, ресурслар, ресурс самарадорлиги, бошқарув стратегиялари, ишлаб чиқариш.

### ПРОИЗВОДСТВЕННЫЕ РЕСУРСЫ И ЭФФЕКТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ИХ

Казаков Олим Сабирович, профессор

Наманганский инженерно технологический институт

[olimkzkv@gmail.com](mailto:olimkzkv@gmail.com)

**Аннотация.** Эффективное использование ресурсов в условиях их дефицита является одним из основных вопросов повестки дня. В статье анализируются вопросы использования ресурсов. Предложены стратегии эффективного использования ресурсов в управлеченческой деятельности.

**Ключевые слова:** менеджмент, ресурсы, ресурсоэффективность, стратегии управления, производство.

### PRODUCTION RESOURCES AND EFFECTIVE MANAGEMENT OF THEM

Kazakov Olim Sabirovich, professor

Namangan Engineering and Technology Institute

[olimkzkv@gmail.com](mailto:olimkzkv@gmail.com)

**The summary.** Efficient use of resources in conditions of their scarcity is one of the main issues on the agenda. The article analyzes the issues of resource use. Strategies for the effective use of resources in management activities are proposed.

**Key words:** management, resources, resource efficiency, management strategies, production.

#### 1. Кириш (Introduction).

Ҳозирги вақтдаги иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда турли хавфларни корхоналар фаолиятига таъсирининг ортиб бориши корхона ва ташкилотлар иқтисодий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни

топиш ва улардан фойдаланишни самарали тарзда амалга оширишни талаб қилмоқда. Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган иқтисодий ресурсларни топиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳозирги вақтда бошқарув фаолиятининг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

## **2. Асосий қисм (Main part).**

Корхона ва ташкилотлар фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларини топиш ва улардан фойдаланишда бу ресурсларнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Ресурсларни танлаш, топиш, маҳаллий ресурслар билан алмаштириш орқали бир-бирини ўрнини тўлдириш ҳамда ўрнини босиши ҳусусиятларини ҳисобга олиш бошқарув фаолиятида асосий вазифа ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ресурсларининг айримлари бошқа бир турларининг ўрнини босиши мумкин ва айримларидан фойдаланишда бир-бирини тўлдириши зарурлигини ҳисобга олинади.

Ресурслардан фойдаланишни бошқариш корхона структурасини такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёни асосий ишлаб чиқаришдан, ёрдамчи ишлаб чиқаришдан, хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришдан, қўшимча ишлаб чиқариш ва кўмакчи ишлаб чиқаришлардан иборат. Бу бўлимларнинг барчасида ишлаб чиқариш ресурслари ҳаракатда бўлади, аммо қатнашиш даражаси ва самарадорликка таъсири турлича бўлади. Ҳар бир бўлимда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражаси турли хил бўлади. Ана шу холатни аниқлаш ва ишлаб чиқариш ресурслари қайси бўлимда қандай тарзда сарфланиши бўйича маълумотларга эга бўлиш ишлаб чиқаришда ресурслардан самарали фойдаланишга ва самарадорликни оширишга сабаб бўлади.

Корхоналардаги асосий ишлаб чиқаришда меҳнат қуроллари воситасида хом ашё ва асосий материалларга тўғридан-тўғри таъсири кўрсатилиб режада ёки ўзаро тузилган шартномаларда қўзда тутилган маҳсулотга эга бўлинади. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ундаги иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Барча турдаги корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражаси доимий равишда ўзгариб, ривожланиб боради. Аммо, айрим холларда объектив ва субъектив сабаблар натижасида ресурслардан фойдаланиш самараси пасайиб кетиши ҳам мумкин. Унинг ўзгаришига таъсири этувчи омиллар ишлаб чиқариш самарадорлиги нуқтаи назаридан фойдаланиш даражасига таъсири кўрсатадилар.

## **3. Натижалар ва муҳокама (Results and discussion).**

Ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун, авваламбор ресурсларни топиш, улар ичидан фаолият самарадорлигига кўрсатадиган таъсирига мос равишида танловни амалга ошириш ресурслардан фойдаланишни бошқаришнинг асоси ҳисобланади. Бу фаолиятда ресурслардан фойдаланиш механизмини тузиб олинади ва бу механизм асосида бошқаришни амалга оширилади. Рессурслардан фойдаланишни бошқариш механизми мунтазам равишида кўриб чиқиладиган ва зарур холларда ўзгаришларни амалга ошириш талаб қилинадиган механизм ҳисобланади. Кўп вақт ва мунтазам бир хил механизмдан фойдаланиш бошқарув самарадорлигини орттиришга имкон бермайди. Корхона ва ташкилотлар айрим

холларда бу механизмга мувофиқ равища ишлаб чиқариш ресурсларининг турларини ўзгартиришлари ҳам мумкин. Бунда маҳсулот сифатига таъсир этмайдиган ва таннархни ўзгартирмайдиган вариантларни ишлашга мажбур бўладилар. Ўзгариб турган мухит таъсирида корхоналарда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш жараёнида турли стратегияларни қўллаш мумкин. Корхона ва ташкилотлар бозордаги холатни ҳисобга олган ҳолда ресурс таъминланганини даражаси бўйича ўз фаолиятларини мунтазам равища таҳлил қилиб борган ҳолда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш стратегиясини танлайдилар. Бунда улар ресурсларнинг мавжудлиги, ўзгариб турган бозор талаби ва таклифи, рақобатдошлар холати, истеъмолчиларнинг даромадлари, таъминотчилардаги ўзгаришларни инобатта олишлари зарур бўлади.

Бу стратегияларнинг корхона фаолиятига таъсири куйидаги 1-жадвалда кўрсатилган.

#### 1-жадвал

Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш стратегиялари: асослари ва оқибатлари

Ресурслардан фойдаланиш стратегиялари	Асоси	Оқибатлари.
1. Ресурсларни ўзгартирмаслик стратегияси.	Истеъмолчи ўзгармайди.	Ривожланиш даражасига эришилмайди.
2. Сифатга эътибор қаратиш.	Сифатли маҳсулот, юқори талаб ва юқори нарх	Сотув хажми пасайиши ва даромад хажми ортиши мумкин.
3. Ресурсларни сифатини яхшилаб нархни аввалги даражада сақлаб қолиш.	Юқори харажат	Талаб ортади, фойда камайиши мумкин.
4. Ресурсларни ўзгартириш орқали нархни пасайтириш ва сифатини ошириш.	Рақобатда енгиб чиқиш	Бозор хиссаси ортади. Фойда ортади.

#### 4. Хулоса (Conclusions).

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни бошқариш жараёнида қатор стратегияларни қўллаш мумкин.

Корхоналар ўз фаолиятларини мунтазам равища таҳлил қилиб борган ҳолда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш стратегиясини танлайдилар. Корхоналарда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш механизми ичida нархлар ва нархлаштириш тизими марказий ўринни эгаллайди. Глобаллашув шароитида нарх структурасида янги элементлар пайдо бўлмоқда: ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари, амортизация қиймати ажратмалари, ўртача

транспорт ҳаражатлари, техник хизмат кўрсатиш ҳаражатлари, янги маҳсулотни ўзлаштириш ва илмий-тадқиқот ишларига ажратмалар, бозор тадқиқоти ҳаражатлари. Шу билан биргаликда, маъмурий ҳаражатлар, реклама ҳаражатлари ва сотув тармоқларини ташкил этиш ҳаражатларининг ҳиссаси ортиб бормоқда.

### Адабиётлар

#### References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, «Ўзбекистон», 2022 йил.
2. Kazakov Olim Sabirovich Management of the economic power of business activities and its impact on its efficiency Journal of Pharmaceutical Negative Results, Volume 13 Spesial Issue 6, 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/issue/view/25>
3. Elnara Alieva, Olim Kazakov EFFECTIVE APPLICATION OF INNOVATIONS OF THE "THIRD RENAISSANCE" IN INCREASING THE COMPETITIVENESS OF SMALL BUSINESSES Namangan Institute of Engineering and Technology, Namangan, Uzbekistan Central European Management Journal, Vol. 30 Iss. 3 (2022) ISSN:2336-2693 | E-ISSN:2336-4890, Retrieved from [https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl\\_cemj.index.html](https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj.index.html)
4. Казаков О.С. Повышение эффективности использования экономических ресурсов. Journal of new century innovations. <http://www.newjournal.org/> Volume-22\_Issue-1\_February\_2023
5. Казаков О.С. Управление результативностью производственных предприятий. Журнал "Экономика и социум" №1(104) 2023 [www.iupr.ru](http://www.iupr.ru)
6. Kazakov Olim Sabirovich. Issues improvement managemet of production enterprises. INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT E-ISSN: 2620-6269. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD>. Vol. 5 No. 2 | February 2023
7. Казаков О.С., Валижанов Ш. Управление качеством продукции в условиях экономического кризиса. Международная научно-практическая конференция «Инновационный потенциал молодежи в современном мире», 19-20 апреля 2023 года. «Белорусский торгово-экономический университет потребительской кооперации».
8. Kazakov Olim Sabirovich. MANAGEMENT OF THE ECONOMIC POWER OF BUSINESS ACTIVITIES AND ITS IMPACT ON ITS EFFICIENCY. Journal of Pharmaceutical Negative Results | Volume 13 | Special Issue 6 | 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/article/view/5743/7083>
9. Казаков О. Тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi. 2023 – 7\2

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

